

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАР ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Мингбоева Дилшода Камол кизи

Аннотация: Мақолада жиноят ишларини кўриб чиқишда процессуал муддатлар ва оқилона муддат тушунчаларига тўхталиб ўтилган ва уларнинг бир биридан фарқи, аҳамияти ва “оқилона” муддат тушунчасининг чет эл давлатлари қонунчилигида акс эттирилганлиги уни миллий қонунчиликда акс эттириш аҳамиятлари муҳокама қилинган. Шунингдек амалдаги жиноят-процессуал кодексда мавжуд бўлган муддатлар билан боғлиқ муаммоларга таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: процессуал муддат, “оқилона” муддат, дастлабки тергов, терговга қадар текширув, мурожаат, терговчи, ариза

Жиноят процессуал муддатлар институтини такомиллаштиришда хориж тажрибаси

Бугунги кунда жамиятда юз бераётган ислохатларнинг ҳар бирини туб илдизда бевосита қонунчилик жараёни ётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Жамиятаги бошқа ҳодисалар сингари қонунчилик ҳам замон талабига мос равишда ўзгаришда ривожланишда бўлади. Жамиятдаги турли соҳаларда бўлгани каби қонунчилик жараёни ундаги ислохатлар амалга оширилишида бевосита бошқа давлатлар тажрибасига ҳам эътибор қаратилади ва ўрганилади. Жиноят процессуал муддатлар бевосита шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаъатлари билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ҳам доимо халқаро даражада аҳамиятли ва эътибор марказида бўлиб келган. Жиноят процессуал қонунчилиги ҳам ана шундай доимо эътиборда бўлган. Судгача бўлган иш юритишда процессуал муддатнинг бузилиши жиноятнинг ўз вақтида текширилмаслигига, далилларнинг йўқолишига, натижада жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахс аниқланмаганлиги сабабли жиноят ишини юритишнинг тўхтатилишига ёки жинойий иш кўзгатишни тайинлашни таъминламайдиган даъво муддатининг ўтганлиги муносабати билан тугатилишига олиб келади.

Дастлабки тергов органлари ва суд фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва қоғозбозликни истисно қилиш учун 2010 йилда Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексига 2015 йилда Қозғистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига «жиноят ишини юритиш учун оқилона муддат» тамойили киритилган.

Халқаро тажрибанинг ўрганилиши ҳам бу масалага худди шу каби

ёндашунинг мавжудлигини кўрсатади, яъни жиноят судлов ишларининг тезкорлиги қоидаси ва умуман муддатлар принцип сифатида эътироф этилган. Жумладан, Дания ЖПКда “Жиноят судлов ишларининг тезкорлиги”; Франция ЖПКда “Жиноят судловининг оқилона муддати” принциплари мустаҳкамланган¹⁶. Молдова Республикаси ЖПКнинг 20-моддасида, “Жиноят судлов ишларининг оқилона муддатларда амалга оширилиши” принципи ўрин олган бўлиб, унга биноан жиноий таъқиб ва суд муҳокамасининг оқилона муддатларда юритилиши ва ишни сансалорликка солмай, муддатларга риоя этиб юритилиши лозимлиги кафолатланган.

Озарбайжон Республикаси ЖПКнинг 48-моддасида, “Жиноят иш фаолияти тезкорлигини таъминлаш” ҳамда Тожикистон ЖПКнинг 136-моддасида, мансабдор шахсларнинг белгиланган муддатга риоя этганлиги процессуал ҳужжатларда тегишли санани қайд этиши билан, ҳужжатнинг топширилганлиги эса, ишга илова қилинган тилхат билан тасдиқланиши белгиланган ҳисобланади.

Амалдаги жиноят процессуал кодексимизнинг 2-моддасида жиноятларни тез ва тўла очиш вазифаси белгиланган бўлиб, ушбу талабни тўла адо этиш учун, аввало, процессуал муддатларга риоя этиш талаб этилади. Шу ва жиноят процессининг принциплари барча босқич ва институтларнинг тузилишини белгилаб беришидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКдаги принциплар сирасига “Жиноят ишини оқилона муддатларда юритиш” принципини киритиш ва унинг матнини:

“Жиноят иши оқилона муддатларда юритилиши лозим. Жиноят процессининг барча иштирокчилари жиноят процессуал муддатларга риоя этишлари шарт. Уларга риоя этмаганлик процессуал ҳаракатларнинг оқибатлари тан олинмаслигига ёки қабул қилинган қарорларнинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади”, мазмунида ифодалаш мақсадга мувофиқдир.

Жиноят процесси принципларини тадқиқ этган В.Т.Томиннинг таъбири билан айтганда, принципларни белгилашда, айнан жиноят процесси иштирокчиларининг фаолият юритиш қоидаларини акс эттириш зарур¹⁷. Жумладан, ЖПКнинг 11-моддасида қайд этилган қонунийлик принциpigа мувофиқ, жиноят процессида иштирок этувчи барча шахслар қонунларга аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт бўлиб, жиноят процессида

¹⁶Гуценко К.Ф., Головки Л.В., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств. 2-е изд. -М., 2002.-С. 19.

¹⁷Томин В.Т. Уголовный процесс: актуальные проблемы теории и практики. -М., 2009. -С. 18.

муддатларга риоя этилишига эришиш учун, аввало, ушбу талабнинг мазкур қонунларда мустаҳкамлаш лозим.

Жиноят ишини оқилона муддатларда юритишни жиноят процессининг принципи сифатида эътироф этиш, муддатларга риоя этиш талабининг қатъийлигини кафолатлайди. Ҳар қандай процессуал кафолатнинг ҳаракатчанлиги ва таъсирчанлиги эса, моддий ҳуқуқда мавжуд бўлган жавобгарлик чоралари билан барқарор бўлади, яъни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг муддатларга риоя этишининг кафолати бўлиб, қонунда муддатга риоя этмаганлик учун муқаррар жавобгарликнинг белгиланиши ҳисобланади. ЖКнинг 240-моддасида, жиноят процесси иштирокчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаганликлари учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, унинг мазмуни процессуал муддатларга риоя этмаганлик учун жавобгарлик белгиланиши билан тўлдирилиши, процесс иштирокчиларининг ўз масъулиятини ҳис этиб, қонунда белгиланган муддатларга сўзсиз риоя этишига олиб келади. Асосийси, одил судлов таъминланишининг тезкор механизмини шакллантирувчи ҳуқуқий базани такомиллаштиришда муҳим қадам бўлади.

Худди шунингдек, ЖПКнинг 345-моддасида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари ёки Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари, шунингдек уларга тенглаштирилган прокурорлар терговнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона олиб борилишини таъминлаш мақсадида жиноят ишини, терговга тегишлилик қоидаларидан қатъи назар, қўйидаги ҳолларда асослантирилган қарорга биноан бир дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказишга ҳақли:

1) агар жиноят ишининг тергови тегишли бўлган орган жиноятни ҳисобга олишдан илгари яширган бўлса;

2) агар жиноят ишининг тергови тегишли бўлган органнинг раҳбари ёки раҳбарнинг яқин қариндоши иш юзасидан жабрланувчи, гумон қилинувчи ёхуд айбланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгар деб топилган бўлса;

3) айбсизлиги аён бўлган шахс айбланувчи тариқасида жалб этилганда ёки қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида олдиндан била туриб қонунга хилоф равишда илтимоснома кўзғатилганда;

4) дастлабки терговни олиб боришда қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала турлари қўлланилганда;

5) терговнинг натижаларига ва иш бўйича қонуний қарор қабул қилинишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган тарзда ушбу Кодекс талаблари бузилганда.

Келгусида процессуал муддатларга риоя этиш қондасининг ЖПК талабларидан бири сифатида мустаҳкамланиши – унга риоя этмаганлик учун тегишли тергов ходимининг жавобгарлиги муқаррар таъминланиб, ишнинг терговга тегишлилигидан қатъи назар, процессуал тезкорликни таъминлаш мақсадида бир дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказилишига асос бўлади. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган ҳар бир қарорда тегишли саналарни акс эттирган ҳолда асослантиришлари ҳамда ҳар бир жинойт ишини оқилона муддатларда қунт билан виждонан ёндашиб ҳал этишларига эришилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдумажидов Г. Справедливость как философская, этическая и правовая категория. // Методологические проблемы права. Академия МВД Республики Узбекистан. – Т.: 1995. – 46 с.
2. Абдумажидов Ғ.А. Жинойт-процессуал қонунчилиги: уни такомиллаштириш – зарурат. // Ҳуқуқ ва бурч, 2009. -№4.
3. Абдумажидов Ғ.А. Жинойт процессининг тарихий турларига бир назар // Фалсафа ва ҳуқуқ, 2009. -№1.
4. Пўлатов Б.Х. Конституция талабларига риоя қилиш – ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданияти // ТДЮИ Ахборотномаси, 2009. -№8.
5. Ражабова М. Мухим кафолат // Ҳуқуқ ва бурч, 2010. -№1.
6. Миразов Д. Жинойт процессида суд контроли институти ва унинг мақсадлари // ЎзР.Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси, 2010. -№1.
7. Мухитдинов Ф.М. Жинойт процесси: моҳият, мазмун, шакл. -Т., 2002.